

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2014-ҳадис

2014/6302 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: رَأَيْتُنِي مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَنَيْتُ

بِيَدِي بَيْتًا يُكْنِي مِنِ الْمَطَرِ، وَيُظِلُّنِي مِنَ الشَّمْسِ، مَا أَعَانَنِي عَلَيْهِ أَحَدٌ مِنْ خَلْقِ اللَّهِ.

2014.6302. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Эсимда, Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида ўз қўлим билан ёмғирдан тўсадиган, қуёшдан пана бўладиган бир уй қурдим. Бунда Аллоҳнинг махлуқотларидан бирортаси менга ёрдам бергани йўқ».

\* Яъни бир ўзим қуриб қўя қолдим, бошқа бировнинг кераги бўлгани йўқ, демоқчи. Бундан уйнинг ниҳоятда оддий, камтарона бўлгани тушунилади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARI DLARI